



The concept and essence of the institution of a plea agreement

Otabek TOSHEV¹

Research Institute for Legal Policy Under the Ministry of Justice

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2022

Received in revised form

25 September 2022

Accepted 20 October 2022

Available online

25 November 2022

Keywords:

guilt, plea guilt, plea bargain agreement, evidence, assistance in the detection of a crime, benefits in the criminal process, mitigating circumstances of the situation

ABSTRACT

The article analyzes the concept and essence of the institution of a plea agreement, the features of the application of this institution, explores the main provisions of the law regarding plea agreements, important aspects of the plea agreement procedure, and the advantages and disadvantages of this institution. The role of the court in concluding a plea agreement, the differences between such concepts as "plea agreement", "cooperation agreement" and "abbreviated forms of litigation", as well as their essence are highlighted. In addition, the views of scientists on the appointment and main functions of the institution of admission of guilt are studied, and the author's conclusions and findings are presented.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss10/S-pp269-288>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Айбга иқрорлик тўғрисида келишувни тузиш институтининг тушунчаси ва мазмун-моҳияти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

айб, айбга иқрорлик, айбга иқрорлик бўйича келишув, далиллар, жиноятни очишга қўмаклашиш, жиноят процессидаги имтиёзлар, аҳволни енгиллаштирувчи ҳолатлар

Мақолада муаллиф томонидан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг тушунчаси ва мазмун-моҳияти, ушбу институтнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув борасида қонунчиликдаги асосий қоидалар, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тартибида иш юритишнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳамда мазкур институтнинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда суднинг роли, "айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув", "ҳамкорлик тўғрисидаги келишув" ва "суд ишларининг

¹ Head of Department, Research Institute for Legal Policy Under the Ministry of Justice
E-mail: otabek_toshev@inbox.ru

қисқартирилган шакллари” каби тушунчалар ўртасидаги фарқлар ҳамда уларнинг моҳияти ёритилган. Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг мақсади, асосий вазифалари борасида олимларнинг фикрлари ўрганилиб, муаллифнинг хулосалари берилган.

Понятие и сущность института соглашения о признании вины

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

вина, признание вины, соглашение о признании вины, доказательства, содействие в раскрытии преступления, льготы в уголовном процессе, смягчающие обстоятельства ситуации.

В статье анализируются понятие и сущность института соглашения о признании вины, особенности применения этого института, исследуются основные положения закона касательно соглашения о признании вины, важные аспекты процедуры соглашения о признании вины, преимущества и недостатки этого института. Освещена роль суда при заключении соглашения о признании вины, различия между такими понятиями, как «соглашение о признании вины», «соглашение о сотрудничестве» и «сокращенные формы судебного разбирательства», а также их сущность. Кроме того изучены взгляды ученых по поводу назначения и основных функций института признания вины, представлены авторские выводы и заключения.

Инсоният ривожланишининг ҳар қандай босқичида жамият юриш туриш қоидаларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан қайтарилиб келинган ва буни ўтмишдаги илмий асосларга таянган ғоялар, динлар, ҳар бир даврда амалда бўлган қонунларда ҳам кўриш мумкин. Асрлар давомида халқимиз ахлоқий қадриятларининг ўзагини ташкил қилиб келаётган ислом динида ҳам ёмон амаллардан қайтиш ва шундай ишларни қилган шахсларнинг чин кўнгилдан тавба қилиши рағбатлантирилдики, кўпчилик ножўя ҳаракат учун кечирим сўралишини яхши хулқнинг таркибий ўзаги деб тушунади.

Жиноят ёки бошқа ҳуқуқий бўлмаган қилмишни содир этган шахснинг ўз иқрорлигини билдириши жиноятларни фош этиш жараёнини осонлаштириши ва ушбу масалани кўриб чиқиш мақсадларига эришиш имконини ошириши боис, жиноятдан жабр кўрган тараф учун ҳам, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар учун ҳам ҳаттоки иқрорликни билдирган шахснинг ўзи учун ижобий ҳодиса сифатида баҳоланиб, ҳеч бўлмаганда жавобгарликда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралади.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув ва ўзаро ярашув институтининг пайдо бўлиши ва тарихи қариндош-уруғлар орасида вужудга келган жиноий келишмовчиликларни тинч йўл билан, ўзаро ҳал этишга қаратилган ижтимоий муносабатларга бориб тақалади. Қадимги даврларда қариндош-уруғлар, қабилалар орасидаги келишмовчиликлар нафақат тинч келишув йўли билан, балки қон тўкиш йўли билан ҳам ҳал этилган. Бу ишларни ҳал қилишда

давлатнинг аралашуви кескин усулда қон тўкиш орқали ҳал қилинадиган қасос ва ўч олишларнинг камайишига сабаб бўлди.

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти АҚШ қонунчилигида узок тарихга эга бўлиб, 19-асрнинг бошларида АҚШда юзага келган, амалиётда 150 йилдан бери қўлланилиши билан характерланади. Маълумотларга кўра, АҚШда ҳар йили 90-95% фоизга яқин жиноят ишлари айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув билан якунланади. Англия қонунчилигида ушбу институт АҚШга нисбатан кам қўлланилса-да, Англия судлари томонидан доим алоҳида эътиборга сазовордир².

Адолат тимсоли ўлароқ, давлат номидан суднинг чиқарган қарори бутун дунё халқлари томонидан қабул қилинди³. XX аср ўрталарига келиб, жамият ва давлатнинг ривожланиши натижасида виктимология вужудга келди ва ушбу фан соҳаси жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўрганишни бошлади. Виктимология жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш назариясини илгари сурди ва бу кўп давлатлар томонидан халқаро миқёсда қабул қилинди. Адолат тушунчасига бошқача ёндашила бошланди, унга кўра жабрланувчи шахс жиноятчидан судга қадар ёки суд жараёнида етказилган зарар учун компенсация пули олиши даркор, агар бунинг иложи бўлмаса, жабрланувчи тўлов пулини давлатдан олади. Жабрланувчининг барча талаблари ҳисобга олиниши ва тўғридан-тўғри қондирилиши, бузилган инсон ҳуқуқларини тиклашнинг мутлақ усули сифатида қабул қилинди⁴.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, қадимги греклар ва римлик савдогарлар ўртасидаги турли муносабатлар воситачилар ёрдамида тартибга солиб турилган.⁵ Қадимги Рим ҳуқуқида яъни, Юстиниан қонунларида низоларни ҳал этувчи воситачилар турлича номланиб келган, улар сирасига *internuncius*, *medium*, *intercessor*, *philantropus*, *interpolator*, *conciliator* ва ниҳоят медиаторни киритишимиз мумкин. Баъзи қадимги қабилалар ўзаро келишмовчиликларни қабила кексалари ёки бошлиқларининг қарори билан ҳал этганлар. Жиноят процессида эса айбига иқрорлик институти замонавий процессуал шаклда XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва олимлар томонидан илмий изланишлар олиб бориши натижасида унинг асоси ва мазмун моҳиятини жиноят процессуал қонунчилигида ўз аксини топтиришга ҳаракат бошланди.

Шундан бўлса керак, далиллар назарияга оид манбаларда айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши – энг яхши далил, “далилларнинг гултожиси” ҳисобланиши ҳақидаги фикрлар келтирилади⁶. Айбига иқрорлик жиноятнинг шохидлари бўлмаган вазиятларда исбот қилишнинг натижадорлигига ижобий таъсир этади. Бироқ тарихда айбига иқрорлик кўринишидаги далилга керагидан

² Ализаде В. А., Волеводэ А. Г. Правовой институт сделки признания вины в уголовном процессе США. // Уголовное и уголовно-процессуальное право иностранных государств. №2. 2018. С. 21-24.

³ Рахмонова С.М., Возможности Упразднения института возвращения дела судом на дополнительное расследование, Автореферат/// проф. Ф.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ, 2007.-46.

⁴ Univerxcity of Gothenburg, School of Business Economics and Law, Victim-Offender Mediation in Sweden and South Africa, Frida Eriksson, Gothenburg, 2003, pp.5-10

⁵ <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History>

⁶ Соловьева Н.А. Историко-правовой анализ института признания вины в отечественном уголовном судопроизводстве // Вестник Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруденция. 2011. № 1 (14) - С.210-220.

ортиқ баҳо берилганлиги, айблов ҳукми чиқариш учун зарурий ҳолат сифатида ҳам қаралиб келинганлиги ва бунга эришиш мақсадида сохта иқрорликка эришиш ҳолатлари кузатилган⁷.

Жумладан, ўтган асрнинг ўттизинчи ва эллигинчи йилларида юртимиздаги зиёлилар қатағонлари учун жиноят ишларини тергов қилишда ҳам айнан айбланувчиларнинг иқрорлигига эришиш учун ноқонуний усуллардан фойдаланилган. Эҳтимол, иқрорликдан ўзга “ишончли” далил бўлмагандир ёки шахс айбига иқрор бўлмаганда айблов ҳукми чиқариш ўз даврида ноанъанавий ҳолат ҳисоблангандир.

Холбуки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида VII асрдан XX асрнинг 20 – йилларигача, яъни, 1920 йилга қадар қарийиб XV асрлик йўлни босиб ўтган ярашув, айбини бўйнига олиш ва зарар қоплаш муносабатлари тарихи ислом қонунлари ва шариат қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки бу даврда жуда кўп халқларнинг анъанавий-ҳуқуқий ва маънавий хулқ-атвор нормалари асрлар мобайнида ислом дини, унинг ҳуқуқий тизими шариат қоидалари билан узвий боғлиқ бўлиб келган.

Миллионлаб кишиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий, оммавий-маиший ва ҳатто, шахсий ҳаёти ислом ва унинг ҳуқуқи таъсирида ривожланиб келган. Шу билан бир қаторда ислом қонунлари тарафларнинг ҳуқуқ бузилиши оқибатида келиб чиққан низоларни ҳал этишдаги яраштириш, содир этилган жиноят ва қилинган гуноҳларнинг жазоларини енгиллаштиришдаги кечиримлик, давлат ишларида эса бағрикенгликка асосланган воситачилик тартиб - тамойилларига мустаҳкам асос яратган.

Марказий Осиёда ислом динининг тадрижий ривожланиши таъсирида ислом ақидалари маҳаллий халқ анъаналари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Турли тарздаги ўзаро низолар эса худди ана шу бир-бири билан боғлиқ тартиб-тамойиллар асосида ҳал этиб келинган. Бошқача айтганда, ислом маънавий ва маданий тараққиётга, давлатчилиқни мустаҳкамлашга, сайёрамизда яшаб келаётган улкан омманинг тафаккури ривожига таъсир кўрсатиб келаётган мустаҳкам тизимдир.

Ўзбекистонда ноанъанавий тартибда турли номлар ва атамаларда қўлланилиб келинган тарихий яраштирув усули – ахлоқ қоидалари, урф-одатлар ва умуман олганда, ислом дини қонун-қоидалари билан узвий боғланиб кетган. Чунки таниқли шарқшунос олим, А.Массэ ислом ҳуқуқида одат расм-русум масалалари ҳуқуқ нормалари билан муштарак эканлигини таъкидлайди.⁸ Низоларни ҳал этишда ислом қонунларини ўхшашлиги бўйича қўллаш, қиёслаш, таққослаш, солиштириш ва мушоҳада қилиш усули Абу Ханифа (р.а) томонидан кенг фойдаланилган усуллардан бири бўлган. Абу Ханифа (р.а) – муайян масала юзасидан барча томонларнинг яқдил фикри, яъни бирлашиш, иттифоқ бўлиш, келишиш, азму қарор қилиш, муҳокама этиладиган масала юзасидан

⁷ Лазарева В.А. Признание вины как основание применения глав 32.1, 40, 40.1 УПК РФ // Юридический вестник Самарского университета. 2016. Т.2 №1. С.118-126.

⁸ <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History/Messe>

тарафларнинг қатъий бир фикрга келишувини тарафдори бўлган, яъни ҳозирги тил билан айтганда медиацияни қўллаган.⁹

Абу Ханифа – томонларни бир қарорга келиштиришда арабча – ижтиҳод қилиш – яъни ғайрат қилиш, интилиш, барча билимлар ва тоқатни ишга солиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Чунки бу меъёр ўша давр ва ҳозирги исломнинг асосий таянчларидан биридир. Буюк аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”сида жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганлигига оид муносабатлар тўғрисидаги қоидалар қадимдан мавжуд¹⁰.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз тузукларида – халқнинг эмин-эркин турмуш-тарзини таъминлаш учун айрим давлатлар билан қарашларда тафовут бўлса-да, тинчликпарварлик сиёсати асосида муроса билан мулоқот қилганлиги, хатлар алмашиб, элчилар юбориб турганлиги баён этилган. Жаҳон давлатчилиги ва ҳуқуқ тарихида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудида қарийб уч асрдан ортиқ ҳукмронлик қилган Бобурийлар салтанати бу заминда турли динлар – мусулмонлар, ҳиндулар, жаинлар ва бошқа диний оқимлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, уларни яқинлаштириш мақсадида ислом қонунларига асосланган – Тавҳиди илоҳий, яъни муросаи мадора усулини жорий этди.

Бу усул тараққиёт даражаси, сиёсий, ҳуқуқий, диний қарашлари турлича бўлган халқларни ягона давлатга бирлаштириш, жипслаштириш ва муросага келтиришдек ўта мураккаб вазифанинг ечимини топа олганлиги билан жаҳон ҳуқуқи тарихида ўчмас из қолдирди.

1920 йилдан 1990 йилга қадар бўлган 70 йиллик даврда совет ҳокимияти ўрнатилгач, қабул қилинган барча қонун ва қарорлар, аввало, социалистик мулк ва давлат манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш керакки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётир.¹¹

Жамиятда ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат муҳитини мустакамлаётир. Айни пайтда минглаб одамлар тақдирида ижобий мазмун касб этиб, уларнинг жамиятдан, оиладан ажралмаган ҳолда ахлоқан тузалишига имкон берапти. Айбга иқроор бўлишни рағбатлантираётган мазкур самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўллар очади. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига батамом мос келадиган ушбу институт миллий қадриятларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун

⁹ <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History>; Restorative Justice in the Twenty First century and in the History: A Social Movement Full of Opportunities and Pitfalls by Mark S. Umbreit, University of Minnesota, 2002, p.268.

¹⁰ Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма / проф. Ғ.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ, 2005.-141б.

¹¹ Исломов Б.О., Жиноят процессининг айрим принциплари. Рисола.-Т.: —Fan va texnologiya нашриёти, 2007, 6-б.

жабр кўрган тараф уни кечириб, айбдорни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, чуқур маъно-мазмун касб этаётир. Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик каби демократик қадриятлар истиқлол шарофати билан қонунларимизда ўз ифодасини топгани фуқароларимизни фақат эзгуликка бошламоқда.

Жиноий ишларни қисқартирилган тартибда кўриш борасидаги жаҳон тажрибасининг миллий процессуал қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий механизмлардан биридир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда¹².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармонида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг таклифидан келиб чиқиб, жиноят-процессуал қонунчилигига айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш вазифаси қўйилган эди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига “Айбни иқрорлик бўйича келишув” тўғрисидаги нормаларни киритилиши суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, назаримизда муҳим аҳамият касб этади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилигида мутлақо янги институт бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон Қонуни қабул қилиниши асосида ЖПК “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” деб номланган янги 62¹ – бобга эга бўлганлиги билан боғлиқдир.

Мазкур Қонун билан жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш борасидаги хориж тажрибасининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши шубҳасиз шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий талаблардан бири ҳисобланади. Ушбу институтнинг қўлланилиши биринчи навбатда фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларига чек қўйиш, кейинги навбатда эса суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш

¹²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд -тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини имоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ -6041-сонли фармони //https://lex.uz/docs/4939467

ҳажмининг камайишига, натижада умумий тартибда тергов қилинаётган ишларнинг сифати яхшиланишига, иш самарадорлигининг оширилишига имконият эшикларини очади.

Бироқ суд-тергов амалиётининг таҳлили жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу каби муаммолардан бири сифатида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг амалиётда қўллашда аниқ йўл-йўриқ ва суд тавсиялари мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу эса, ўз навбатида, мазкур институтни такомиллаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади. Айтиш жоизки, ҳар қандай муаммони ўрганиш ёки таҳлил қилиш аввало унинг мазмуни-моҳиятини англаб олиш учун ушбу муаммонинг қонунчиликда тартибга солиниши ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий заруратини тадқиқ қилиш лозим бўлади.

ЖПК “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” бўйича нормаларни қамраб олган янги 62¹ -бобнинг 586¹ - моддасига кўра “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир”¹³.

Жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — айбланувчининг содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шунинг баробарида, кўплаб сансалорликларга сабаб бўладиган узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдан иборатдир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “келишув” ўзаро маслаҳатлашиб баён этилган фикр, хулоса, қарор, битим, шартнома, шунингдек, “келишувчилик” - ўз манфаатларини кўўзлаб мурасага келиш, рози бўўлиш, қўўшилиш, муросасозлик маъноларини англатиши назарда тутилган¹⁴. Демак келишув, бизни қизиқтираётган маънода гумонланувчи, айбланувчининг прокурор билан айбга иқрорлиги юзасидан тузган ўзаро битими бўўлиб ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида айбга иқрорлик тушунчасининг сўз бирикмаси шаклидаги умумий тушунчаси мавжуд эмас. Лекин ушбу луғатда сўз бирикмасида ишлатилган сўзларнинг таҳлили орқали унинг луғавий маъносини билиб олиш мумкин. “Айб” сўзининг луғавий маъноси сифатида нуқсон, расм-қоидага ва одоб-ахлоқ меъёрларига хилоф иш, хатти-ҳаракат, гуноҳ маънолари келтирилган¹⁵. Шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракат, жавобгарликка тортишнинг зарур шarti тушунчаси ҳам ўз ифодасини топган. “Иқрор” сўзининг луғавий маъноси эса, “эътироф этиш, рост деб ҳисоблаш, тан олиш, бўйнига олиш” маъноларида тушунилиши қайд этилган¹⁶. “Келишув” сўзининг луғавий маъноси

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Тошкент: Юридик адабиётлар, 2021. // <https://lex.uz/docs/111460>

¹⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. - Тошкент:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 347 бет.

¹⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.І. - Т., 2016 - Б.263. // <http://n.ziyouz.com>.

¹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. - Т., 2016-2018. - Б. 51.

эса ўзаро маслаҳатлашиб баён этилган фикр, хулоса, қарор, битим шартнома маъноларида акс этган¹⁷.

Шартнома – томонлар (икки ёки бир неча шахс) ўртасида тузилган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган битимдир. Битим эса – бу ҳам ўзаро келишув, тўхтам, қарор, тарафлар томонидан расмий равишда тузилувчи, қабул қилинувчи ахднома, шартнома, контракт демакдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади)нинг 586-моддасида “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувидир” - деб акс эттирилган¹⁸.

Назаримизда, қонуннинг ушбу нормасида келтирилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тушунчасида, бир қатор ноаниқликлар мавжуд бўлиб, уларга аниқлик киритиш учун жиноят процесси назариясида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга доир мавжуд таърифларга мурожаат қилишни лозим деб топдик. Ҳозирги кунга қадар юридик адабиётларда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тушунчасига оид яқдил фикр мавжуд эмас. Бу эса ушбу институтнинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ушбу институт (тушунча) янги бўлишига қарамай, бир қатор амалиёт ходимлари ва процессуалист олимлар томонидан айрим фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Хусусан, С. Тошниёзов томонидан, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан тергов органига билдирилган таклиф бўлиб, тарафларнинг тенглиги розилиги асосида тузилишини, келишув прокурор ҳамда гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳамда уларнинг ҳимоячиси томонидан имзоланиши лозимлигини таъкидлаб ўтилган¹⁹.

Юқорида келтирилган фикрга яқин фикр Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Д. Орипов томонидан келтирилган бўлиб, унда “айбига иқрорлик тўғрисида келишув ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан билдирилган илтимосномага асосан жиноят ишини юритишни назорат қилувчи прокурор билан тузиладиган келишув ҳисобланишини” ифода қилган²⁰.

Ушбу фикрнинг мантиқий давоми сифатида Ш. Хомидов гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкинлигини, келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг

¹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.IV. - Т., 2018 - Б.347. // <http://n.ziyouz.com>.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

¹⁹ <https://huquq.uz/2021/03/12/pr-142/>

²⁰ <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36238/7sphrase id=7837488>

ҳимоячиси ва агар ишда қатнашаётган бўлса, қонуний вакили томонидан имзоланган бўлиши лозим деган фикрни илгари сурган²¹.

Амалиётчи судья К. Пансатов ўз навбатида, айбга иқрорлик тўғрисида келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишув саналишини таъкидлаб ўтган²².

Хорижий мамлакатлар олимларининг фикрларига ўз эътиборимизни қаратадиган бўлсак, айрим олимлар, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни жинорий жавобгарликдан ҳимоя қилмайдиган фақатгина жинорий жазони энгиллаштириш учунгина асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлашган бўлса, В.А.Семенцов ва Я.В. Лошкобановалар томонидан эса айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни бир томонлама битим сифатида баҳоланиб гумон қилинувчи, айбланувчининг мажбуриятлари ихтиёрий тусда, иккинчи томонда турган прокурорнинг мажбуриятларини эса жиноят-процессуал қонунида алоҳида ҳолларда юзага келишини эътироф этган²³.

Юқорида келтирилган фикрда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бир томонлама эканлиги тўғрисидаги фикр билдирилган бўлиб, бизнинг назаримизда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувдан ҳар иккала тараф манфаатдор бўлиши лозим. Хусусан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзига нисбатан энгилроқ жазо тайинланишидан манфаатдор бўлса, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноятларнинг тез ва иссиқ изидан очилишига, куч ва воситаларнинг тежалишига ҳамда иш ҳажмининг камайишига эришадилар.

Тадқиқотчи В.В. Колесникнинг фикрига кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг асосий хусусияти ва негизи гарчи тенг бўлмаган (субъектлар) шароитларда бўлса ҳам тенг ҳуқуқли субъектларнинг битимлари сифатида тушунилиши лозим эканлигини билдирган²⁴. Н.А. Дудина эса, мазкур тушунчага “айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан чин кўнгилдан пушаймонлик, тавба қилиш айбга иқрорлик инситутининг моддий-ҳуқуқий асоси ҳисобланишини, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг ўзи фуқаролик-ҳуқуқий табиатга эга эмаслигини, балки

²¹https://uza.uz/uz/posts/sud-tergovda-shaxsning-xuquq-va-erkinliklarini-himoya-qilish-yanada-kuchaytiriladi_3066537q=%2Fposts%2Fsud-tergovda-shaxsning-xuquq-va-erkinliklarini-himoya-qilish-yanada

²² <https://ishtixon.uz/ru/node/1290>

²³ Проблемы обеспечения прав и законных интересов подозреваемого, обвиняемого и потерпевшего при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве: монография / В.А. Семенцов, Я.В. Лошкобанова. – Москва: Юрлитинформ, 2016. – 174 с. – (Уголовный процесс). – Библиогр.: с. 164–173.

²⁴ В.В. Колесник. Природа досудебного соглашения о сотрудничестве с позиции договорной концепции «сделка о признании обвинения и сотрудничестве» // <https://cyberleninka.ru/article/n/priroda-dosudebnogo-soglasheniya-o-sotrudnichestve-s-pozitsii-dogovornoj-kontseptsii-sdelka-o-priznanii-obvinieniya-i-sotrudnichestve>

хуқуқни қўллаш шаклларида бири таъминловчи ҳужжатнинг бир тури сифатида намоён бўлишини келтириб ўтган²⁵.

К.Ф. Багаутдинов ўзининг илмий изланишларида, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бу тарафлар ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган шартнома бўлиб, прокурорга айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузишни мажбурият сифатида юклашнинг мумкин эмаслиги, прокурорнинг келишув тузишни рад этиши адолатга эришишга тўқинлик қилмаслиги ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чекламаслиги, шу боисдан ҳам судлар томонидан прокурорнинг қарори устидан берилган шикоятни кўриб чиқишида рад қилиш қарорининг асосли эканлигини муҳокама қилмасдан қарор тегишли шахс томонидан ўз ваколатлари доирасида чиқарилганлигига хулоса қилиши, фуқаровий-ҳуқуқий шартномалардан фарқли ўлароқ судга қадар ҳамкорлик қилиш ҳақидаги келишувда жамоатчилик устунликка эга бўлиши, келишувнинг ўзига хослиги, унда жамоатчилик ва шахсий манфаатлар бир-бирига қарама-қарши келган ҳолларда, жамоатчиликнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда иш ҳал этилиши таъкидлаб ўтилган²⁶.

Юқоридаги билдирилган К.Ф. Багаутдиновнинг фикрига қўшилган ҳолда, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда прокурор жиноят процессуал қонунда кўрсатилган келишувнинг барча шартлари ва хусусиятларини тушунтиради ва қўллайди. Бироқ келишувнинг ўзида прокурорга нисбатан қайсидир мажбуриятларни бажаришни зиммасига юклашни қайд этиш мумкин эмас. Сабаби, судга бориб вазият батамом ўзгариши ва келишувдаги қонидани шартни қўллашнинг иложи бўлмай қолиши мумкин.

Е.Л. Федосеева ҳам ишни судга қадар юритиш босқичида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув аслида келишув эмас, балки иштирокчилар томонидан мажбуриятларни бажариш нуқтаи-назаридан бир томонлама характерга эга бўлган, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг терговга кўмаклашиш тўғрисидаги прокурорга билдирилган розилиги деб ўзининг фикрларини билдириб ўтган²⁷. О.В. Климановнинг фикрича, прокурор масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда, айбланувчининг келишув шартларини бажариши ижобий оқибатларга олиб келишини ва жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ келишув шартлари тўлиқ бажарилишини кафолатлашга қодир²⁸.

Яна бир олим О.Я. Баев судга қадар ҳамкорлик қилиш ҳақидаги келишувда гумон қилинувчи айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш

²⁵ Н.А.Дудина. Соотношение производства при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве с согласительными процедурами в уголовно-процессуальном законодательстве зарубежных стран // <https://cyberleninka.ru/article/n/sootnoshenie-proizvodstva-pri-zaklyuchenii-dosudebnogo-soglasheniya-o-sotrudnichestve-s-soglasitelnymi-protsecurami-v-ugolovno>

²⁶ К.Ф. Багаутдинов. Досудебное соглашение о сотрудничестве: понятие, содержание, основные признаки // <https://cyberleninka.ru/article/n/dosudebnoe-soglashenie-o-sotrudnichestve-ponyatie-soderzhanie-osnovnye-priznaki>

²⁷ Е.Л. Федосеева. История развития и предпосылки создания института досудебного соглашения о сотрудничестве в отечественном законодательстве в период с X по середину XX веков. Общественная безопасность, законность и правопорядок в 3-м тысячелетии: Международная научно-практическая конференция. Ч.2. Воронеж. 2010. С. 98.

²⁸ О.В. Климанова. Добровольность заключения досудебного соглашения о сотрудничестве как условие его легитимности // <https://cyberleninka.ru/article/n/dobrovolnost-zaklyucheniya-dosudebnogo-soglasheniya-o-sotrudnichestve-kak-uslovie-ego-legitimnosti>

ёки энгилроғига ўзгартириш таклифини айбловнинг мажбурияти сифатида киритишни таклиф қилади²⁹.

О.Н. Тисеннинг таъкидлашича, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бу гумон қилинувчи айбланувчи ўз ихтиёри билан жиноий шерикларини фош қилиш мажбуриятини олиши ва эвазига ўз қилмиши учун жазо муддатини сезиларли даражада камайтиришга эришади³⁰.

Бизнингча, юқорида келтирилган фикрларда олимлар айбга иқрорлик институтининг таркибий тузилишига тегишли жараёнларни акс эттирган бўлсада, ушбу фикрлар бугунги кундаги ушбу институтнинг моҳияти ва тушунчасини тўлиқ очиб бермайди.

Юқорида келтирилган фикрларнинг хилма-хиллиги, адабиётлар ва интернет сайтларида бундай фикрларнинг кенг тарқалганига қарамай ҳанузгача айбга иқрорлик тўғрисида аниқ тушунчанинг мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. Чунки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида янги институт бўлиб, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигида мавжуд бўлган институтлардан фарқ қилади. Энг ачинарлиси, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида ўз аксини топган бўлса-да, унинг амалга ошириш механизми бўйича нормаларнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги суд-тергов амалиётида бир қатор муаммоларнинг келиб чиқишига, бунинг натижасида эса ушбу институтнинг қўлланилмаслик ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда³¹.

Юқорида билдирилган фикрларнинг чуқур таҳлили эса айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга нисбатан қўйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш имконини берди:

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бу – суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган вақтида ўзига нисбатан қўйилган гумон ёхуд айбловни тан олган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни очилишига фаол кўмаклашган ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг илтимосига асосан прокурор билан тузиладиган ихтиёрий шаклдаги процессуал келишувдир.

Демак, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти жиноят-процессуал қонунида ишни судга қадар юритиш босқичини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш, мамлакатимизнинг жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига татбиқ этилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини юқори поғонага кўтарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айбига иқрорлик келишувининг мазмун моҳиятига келадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, ушбу институт қоидалари Ўзбекистон Республикаси ЖК ЖК 66¹ -моддасида назарда тутилган ярашув битимига ўхшаб кетса-да, келишув

²⁹ О.Я. Баев. Досудебное соглашение о сотрудничестве: правовые и криминалистические проблемы, возможные направления их разрешения: Монография. М.: Норма, 2013.

³⁰ О.Н. Тисен. Теоретические и практические проблемы института досудебного соглашения о сотрудничестве в российском уголовном судопроизводстве // Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Оренбург, 2017 – Б.45.

³¹ А.Курбанова. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг тушунчаси // Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454 Volume 2 | Issue 3 | March, 2022 | SJIFactor: 5,965 | UIF: 7,6 | Google Scholar | www.carjis.org

битими ундан фарқ қилади. Тўғри, ярашув ҳам ўзига хос келишув, битим бўлиб, биринчидан, у жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлади, иккинчидан, ушбу битим жиноят содир этган шахс билан жабрланувчи ўртасида тузилади. Аввало, қандай ҳолларда айбга иқрорлик бўйича келишув тузиш мумкинлигига аҳамият берсак.

Жумладан, айбга иқрорлик бўйича келишув тузишда қонунга кўра қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- гумонланувчи, айбланувчи томонидан келишув бўйича илтимоснома тақдим этилиши;

- илтимоснома ушбу шахсларнинг ўз хоҳиши билан берилиши;

- шахс томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноятлар бўлиши керак, бу эса ўз навбатида ўта оғир жиноят содир этганлик бўйича келишув тузилмаслигидан далолат беради;

- гумондор, айбланувчи содир этган жиноятларига иқрорлик билдириши керак;

- айбланувчи, гумонланувчи жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши керак;

- жиноят натижасида келтирилган зарар қопланиши керак. Келишув ҳақидаги илтимоснома суриштирув, терговнинг исталган босқичида берилиши мумкинлиги, шунингдек, суд мажлисида тарафлар келишувдан воз кечиши мумкинлиги билан характерланади.

Айбга иқрорлик бўйича келишув бир қатор давлатлар қонунчилигида ўўзининг самарали чоралардан бири эканлиги билан характерланади, жумладан, АҚШ, Англия, Италия, Испания, Германия, Франция, Эстония, Исроил, Ҳиндистон ва баъзи МДҲ давлатлари қонунчилиги, жумладан Россия, Молдова, Қозоғистон Республикаси, Грузия, Украина ва бошқа давлатлар қонунчилиги шулар жумласидандир.

Дания, Франция ва Германия қонунчилигида айбсиз кишини жавобгарликка тортилишини олдини олиш мақсадида, суд томонидан ҳақиқатни аниқлаш принципи алоҳида эътибор қаратилиб, суд ҳақиқатни аниқлаш учун барча чораларни кўриши керак. МДҲ давлатларининг қонунчилигида жумладан, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон Жиноят-процессуал қонунчилигида мустаҳкамланган бўлиб, ушбу қоидалар енгилроқ жазо тайинлашнинг бир кўриниши сифатида мустаҳкамланган.

Бугунги кунда суд амалиётида бу борадаги нормалар кенг қўлланилиб, жиноят содир этган шахсларга қонунчилигимизнинг рағбатлантирувчи нормаларини қўллашга сабаб бўлмоқда. Масалан, Судланувчи Б.Х. – хавфли рецидивист бўлган ҳолда, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкларини қўлга кириш мақсадида, 2020 йил февраль ойида Самарқанд тумани, “Гулбод” маҳалласида яшовчи Холов А.нинг тадбиркорлик қилиш мақсадида, ер майдони олмоқчи эканлигидан хабардор бўлиб, у билан танишиб, унга ўзига тегишли бўлмаган, ер майдонини гўёки ўзига тегишли эканлигини айтиб, унга ушбу еридан 10 гектар майдонини номига расмийлаштириб бериш, ер майдонига электр токи ўтказишга ёрдамлашиш ҳамда шу ерга қурилиши лозим бўлган иншоотига арзон нархларда қурилиш материаллари олиб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ишончига кириб,

2020 йил февраль ойидан 2021 йил февраль ойига қадар бўлган вақт давомида 200.070.000 (икки юз миллион етмиш минг) сўмга тенг бўлган 19.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, муайян ҳуқуқ берадиган, расмий ҳужжат ҳисобланган - туман ҳокимининг 18.12.2019 йилдаги 8741-Қ-сонли қарорини, “Кенагас” маҳалласининг 14.10.2020 йилдаги далолатномасини ҳамда санаси кўрсатилмаган, туманда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулкларни хатловдан ўтказиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳнинг 1-сонли йиғилиш баёнини қалбакилаштириб ва қалбаки ҳужжатни тақдим қилиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Суд томонидан судланувчи Б.Х.нинг 1-1416-2101/000-сонли жиноят иши бўйича айбга иқрорлик тўғрисидаги келишуви тасдиқланган. Б.Х. ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан оқланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилган. ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 572 -моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баравари миқдорида, яъни 44.600.000 (қирқ тўрт миллион олти юз минг) сўм жарима жазоси тайинланиб, давлат даромадига ундириш белгиланган ва ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан жиноятлар мажмуи бўйича жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан, узил-кесил ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баравари миқдорида, яъни 44.600.000 (қирқ тўрт миллион олти юз минг) сўм жарима жазоси ҳамда ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган³².

Юқоридан кўринадикки, иш бўйича ЖК 168-модданинг 4-қисмига кўра, Б.Х.га энг кўп жазонинг ярмидан (600 баравар) ошмаган ҳолда жазо тайинланган. Албатта, бу институтни назаримизда ўзига хос камчиликлари бор. Чунки айбига иқрорлик бўйича келишув тасдиқлаш масаласи судга ҳаволга қилинганлигига қарамадан терговдаги қонунга зид ҳолатларни, “хусусан айбини бўйнига олдириш” каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида у видеотасвирларга олиниши, шунингдек ЖПКга суд ҳар битта ҳолат бўйича келишув айнан гумонланувчи, айбланувчининг ўз-хоҳиш иродаси бўйича тузилганлигига алоҳида аҳамият беришни назарда тутадиган қоидаларни мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблаймиз³³.

Демак, юқоридагиларга кўўра, айбга иқрорлик бўйича келишув ўзига хос кўп томонлама битим бўлиб, биринчидан, гумонланувчи, айбланувчи учун қуйидагича аҳамият касб этади:

³² Жиноят ишлари бўйича Тайлок туман судининг 2019 йил 14 майдаги ҳукми.

³³ З. Муқимова, Г. Шерматова. АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУШУНЧАСИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12-1428-1433 Google Scholar Scientific Library of Uzbekistan Academic Research, Uzbekistan 1429 www.ares.uz

- жазо тайинлашда рағбатлантирувчи қоидаларни қўлланилиши сабаб бўлади (ЖК57²-модда), яъни жазонинг муддати, миқдорини камайишига, хусусан жазони енгиллашишига;

- турли хил оворагарчиликларнинг олди олинади;

- қилган қилмишига яраша тез ва аниқ фурсатларда жавобгарликка тортилади, айниқса, эҳтиёт чораси қамоқда сақланган ҳолда суднинг мажлисини кутиб ўтиришдек қийин шароитлардан ҳимояланади.

Иккинчидан, суриштирув, тергов, прокуратура ва суд учун:

- вақт ва маблағларнинг тежалиши;

- суд муҳокамасидан воз кечилиши, судларнинг жиноят ишлари бўйича иш юкломаси камайиши ва ўта оғир, мураккаб жиноят ишларини ўз вақтида синчковлик билан кўриш имкониятининг кенгайишига сабаб бўлади.

Учинчидан, бу келишув жабрланувчи учун ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин:

- етказилган зарарнинг қопланиши;

- гумонланувчи, айбланувчи билан тез-тез кўришишдек салбий жиҳатларнинг олдини олади (сир эмас, шахсга қарши жиноятларда, хусусан ҳаёт, соғлиқ, жинсий эркинлик ва бошқа турдаги жиноятларда жабрланувчи айбланувчи, шунингдек, судланувчи билан учрашиш, унинг учун жуда оғриқли кечади);

- вақтини тежайди;

- турли хил юзлаштириш, тергов экспериментларини ўтказилиши олдини олади.

Шунингдек, мазкур институтнинг нафақат процессуал, балки моддий устқурмаси ҳам яратилди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги 57²-модда киритилиб, айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш деб номланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги киритилган 57²-моддага кўра айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Бу шуни англатадики, шахс қиссавурлик йўли билан содир этган ўғрилик жинояти учун амалдаги жиноят қонунига 169-моддаси 2-қисми “а” бандига кўра энг юқори жазо уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши лозим бўлган ҳолатда унга нисбатан ушбу жазо муддати ёки миқдорининг ярмидан ошмаган ҳолда жазо тайинланади. Масалан, жиноят ишлари бўйича суд ушбу шахсга беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинламоқчи бўлса, унинг ярми икки ярим йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

Мазкур киритилган ўзгартириш жиноят қонунидаги инсонпарварлик принципини амалда кенг қўлланилишини таъминлайди. Ҳақиқатда жиноят содир этган шахс ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлса, суд томонидан унга тайинланадиган жазо амалдаги жиноят қонунида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмайди³⁴.

³⁴ https://uza.uz/uz/posts/aybga-iqrorlik-togrisidagi-kelishuv-ozini-nima_269577

Шу билан бирга, амалиётда суистеъмолчиликларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) 112-моддасида “Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин” лиги баён қилинган.

Шахснинг бошқа далиллар билан тасдиқланган ўз айбига иқрор бўлиши амалдаги қонунларимизга кўра ҳам жиноят содир этганликда алоҳида имтиёзли ҳолат сифатида қаралади. Масалан, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этиб, ҳали тергов органлари унинг жиноят содир этганлигидан хабар топмаган вазиятда жиноят содир этишда иқрорлигини расман билдирган тақдирда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда назарда тутилган ҳолларда айбланувчининг (судланувчининг) ўз қилмишига пушаймонлигини билдириши у айбланаётган жиноят учун Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган жазонинг учдан икки қисмидан ортиғини тайинланмасликка сабаб бўлади.

Айбига иқрорликнинг мавжудлиги жиноят ишини юритишнинг умумий тартибидан ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш каби алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш тартибига ўтилишининг зарурий шарти ҳам ҳисобланади. Одил судлов манфаатлари юзасидан қарайдиган бўлсак, жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларида айбига иқрорлик зарурий элемент сифатида қаралади.

Судда ишларни кўришнинг соддалаштирилган тартиблари тортишув типидagi жиноят процесси ҳосилдир³⁵. Демак, эндиликда худди хорижий мамлакатларда бўлганидек, жиноят ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибларидан бири – айбига иқрорлик Ўзбекистонда ҳам мавжуд, жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар айбланувчи билан жиноят ишларини юритиш соҳасида шартномавий муносабатга киришади.

Айбига иқрорлик битимида жинoий шериклар ҳақида маълумот бериш, зарарни қоплаш, далилларни ихтиёрий тақдим қилиш каби шартлар хусусида келишувга эришилиши мумкин.

Айбига иқрорлик битими жиноят олами ёки жиноятни содир қилган шахс билан мурoса қилишнинг бир йўли, кўриниши. Айтиш лозимки, бундай иш юритиш қоидаларини ҳамма ҳам қўллаб-қувватламайди. Айбига иқрорлик тартиб-таомилига қарши бўлганлар энг аввало, судда исбот қилиш тўлиқ амалга оширилмаслиги туфайли суднинг қарорлари адолатсиз бўлишини вaж қилиб кўрсатадилар³⁶.

³⁵ Смирнов А.В. Типология уголовного судопроизводства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2001 // <http://www.kalinovsky-k.narod.ru/b/smir>

³⁶ Брестер А.А. Об ошибочном отнесении особого порядка принятия судебного решения к уголовно-процессуальной деятельности / А.А. Брестер // Актуальные проблемы российского права. – 2015. – № 12. – С. 140–145; Татьяна Л. Особый порядок принятия судебного решения // Л. Татьяна // Законность. – 2003. – № 12. – С. 30–33. (Tatiana L. Special procedure for making a court decision // L. tatianina // Legality. - 2003. - No. 12. - P. 30-33.)

Жинойят ишларини юритишда айбига иқрорлик бўйича келишув тартибини миллий ҳуқуқ тизимимизга киритиш масаласи кўп йиллардан буён илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келган. Илмий иқтибосини келтиришнинг имкони бўлмаса-да, айтишни жоиз деб билдикки, устозларимиз профессор Ғ.Абдумажидов ва профессор З.Исломовлар ушбу институтни миллий қонунчилигимизга киритиш борасида таклиф юзасидан аввал конференцияда, кейин бир-бирларининг хоналарига бориб, илмий нуқтаи назардан тортишувлар қилган эдилар.

Бирлари айбига иқрорлик бўйича келишувни қонунчиликка киритиш керак десалар, бошқалари бу қоида жиноятчиликнинг кўпайишига, ноқонуний иқрорлик деган салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши, бизнинг халқимиз бунга тайёр эмас, деган фикрларни билдирган эдилар. Бу воқеани эслаб ўтиш билан шундай фикрлар ҳозирда ҳам мавжудлиги таъкидламоқчимиз³⁷.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда охириги йилларда кўплаб муаллифлар, жумладан Қ.Маткаримов³⁸, Н.Кўшаевлар³⁹ айбига иқрорлик бўйича келишувни миллий қонунчилигимизга киритиш хусусида таклифларни илгари сурган.

Дарҳақиқат, айбига иқрорлик бўйича келишув институтининг миллий қонунчилигимизга киритилиши кўплаб афзалликларга эга. Хусусан, жиноят ишларини юритишда процессуал чиқимлар масаласи борки, ҳар доим ҳам уларни “рисолада битилганидек” ҳал қилиш иложсиз бўлади. Масалан, айбланувчиларнинг экстрадиция қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳамма вақт ҳам қоплашнинг имкони бўлмайди. Айбига иқрорлик бўйича келишув тартибида иш юритишда харажат талаб қиладиган кўплаб ҳаракатларни ўтказишга эҳтиёж бўлмайди.

Жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриш билан боғлиқ ишлар тергов органлари ва судларни иш юкмасига кўмиб қўяди. Бу эса айрим вазиятларда жиноят ишини сифатли юритишга салбий таъсир қилади. Айбига иқрорлик бўйича келишув тартибида ишни юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг исбот қилиш мажбуриятини осон бажаришлари бошқа жиноят ишлари учун кераклича эътибор қаратишларига имкон беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида ва бошқа халқаро ҳужжатларда тезкор одил судловга бўлган ҳуқуқ белгиланган. Мазкур халқаро стандартни миллий қонунчиликда таъминлаш ва шу орқали инсон ҳуқуқлари кафолатларига эришиш илмий жиҳатдан ҳам кўп бора исботлаб берилган. Масалан Н.И.Хайриев ўз тадқиқот ишида жиноят ишларини юритишни

³⁷ Н.М.Кўшаев. Жиноят ишларини юритишда айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилишнинг айрим масалалари // ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ | ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH - №11 | 2020 - Б. 71-75

³⁸ Маткаримов Қ.Қ. Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш. Ю.ф.д. (DSc)... диссертация. –Т., 2019. 285 б.

³⁹ Н.М.Кўшаев. Жиноят ишларини юритишда айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилишнинг айрим масалалари // ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ | ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH - №11 | 2020 - Б. 71-75

жадаллаштиришнинг бир кўриниши сифатида айбига иқрорлик бўйича келишув тартибини жорий қилиш лозимлигини илмий жиҳатдан асослаб берган⁴⁰.

Айбига иқрорлик бўйича келишувга асосан иш юритишда айнан тезкор ёки оқилона муддатларда одил судловга бўлган ҳуқуқни таъминлашда давлат органлари зиммасидаги мажбуриятни бажаришга шароит яратилади.

Юқорида тилга олинган Фармоннинг қабул қилиниши айбига иқрорлик бўйича келишув институтини миллий қонунчилигимизга киритиш ёки уни таклиф қилиш борасида эмас, балки ушбу институтнинг мазмуни хусусида илмий тортишувларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат бежиз эмас. Айбига иқрорлик бўйича келишув институтига хос бўлган қоидаларни ишлаб чиқаётганда келажакда унинг қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ва нималарни инобатга олиш лозимлиги ҳақида ўйлашга ундайди.

Бизнингча, айбига иқрорлик битими бўйича келишув тартибида иш юритишда қуйидаги ҳолатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, жиноят ишини тугатишнинг айбланувчи учун бошқа қулай асослари мавжуд бўлганда тергов органлари томонидан айбига иқрорлик бўйича келишув ташаббуси билдирилмаслиги зарур. Агар тарафларнинг ярашганлиги, жавобгарлик тортиш муддатининг ўтиши ёки бошқа асосларга кўра жиноят ишини тугатиш мумкин бўлган вазиятда тергов органлари (ёхуд прокурор) томонидан айбланувчига айбига иқрорлик бўйича келишув таклифи билан чиқилса, бу исбот қилишда тақиқланган алдов усулини қўллашга ўхшаб қолади. Бу кейинчалик айбланувчининг ҳақли норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, айбига иқрорлик бўйича келишувининг тузилиши айбланувчиларга имтиёزلарни тақдим қилинишига олиб келар экан, дисмония шахс бўлмаган жабрланувчи розилигисиз тузилган бундай келишув кейинчалик унинг жазонинг адолатлилигидан қониқмаслигига олиб келиши мумкин. Агар жиноят-процессуал қонунчилигимизда айбига иқрорлик бўйича келишувни тузишда бундай тоифадаги жабрланувчининг (миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиз амалиёти бўйича фуқаровий даъвогар бўлган корхона ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларининг) айбланувчига берилиши мумкин бўлган енгилликлар хусусида фикрлари инобатга олиниши белгиланганда бу борадаги ҳуқуқ нормаларининг адолатлилиқ мезонига янада мувофиқлиги таъминланар эди.

Учинчидан, айбига иқрорлик бўйича келишув бу шартномавий муносабат бўлиб, унда хусусий ҳуқуққа хос бўлган тарафларнинг тенглиги тамойили ўз аксини топиши лозим. Айбланувчига жиноятни очишда кўмаклаши, зиённи бартараф этиш каби барчага равшан тарзда бажарилиши мумкин бўлган мажбуриятлари қаторида қасддан ёлғон гувоҳлик бермаслик ва терговни била туриб чалғитмаслик мажбурияти юкланиши, акс ҳолда келишув бекор бўлиши хусусида қоидалар белгиланиши лозим. Бу айбига иқрорлик бўйича келишувни тузишга киришган шахснинг “ҳимоя ҳуқуқи”ни важ қилиб, терговни чалғитиш ва алдашда ифодаланадиган салбий хулқ- атворининг олдини олиши мумкин.

Тўртинчидан, айбига иқрорлик бўйича келишув амал қиладиган Европа ва бошқа кўплаб давлатларда бир неча жиноят содир этганлик учун жазо

⁴⁰ Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш. Ю.ф.д. (DSc)... диссертация. –Т., 2019. 292 б. (Khayriev N.I. Intensification of criminal proceedings. DSc dissertation. - T., 2019. P 292.)

тайинлашда жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш қоидаси мавжуд эмас ёинки мавжуд бўлган тақдирда ҳам, жазонинг энг юқори миқдори ва муддати қонун билан қатъий чегаралаб қўйилмаган. Миллий жиноят қонунчилигимизнинг жазо белгилашдаги мазкур инсонпарварлик қоидаси мавжуд бўлган вазиятда яна иқрорлик битимидан қўлга киритилган енгилликлар қонунга беписандлик кайфиятини вужудга келишига сабаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳам жиноятлар мажмуи бўлган вазиятда айбига иқрорлик бўйича келишувни тузиш масаласи пухта ўйлаб кўрилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, айбга иқрорлик бўйича келишув институтининг мамлакатимиз жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига татбиқ этилиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси юқори поғонага кўтарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ализаде В. А., Волеводэ А. Г. Правовой институт сделки признания вины в уголовном процессе США. // Уголовное и уголовно-процессуальное право иностранных государств. №2. 2018. С. 21-24.

2. Рахмонова С.М., Возможности Упразднения института возвращения дела судом на дополнительное расследование, Автореферат/// проф. Ғ.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ, 2007.-46.

3. University of Gothenburg, School of Business Economics and Law, Victim-Offender Mediation in Sweden and South Africa, Frida Eriksson, Gothenburg, 2003, pp.5-10

4. <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History>

5. Соловьева Н.А. Историко-правовой анализ института признания вины в отечественном уголовном судопроизводстве // Вестник Волгogr. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруденция. 2011. № 1 (14) - С.210-220.

6. Лазарева В.А. Признание вины как основание применения глав 32.1, 40, 40.1 УПК РФ // Юридический вестник Самарского университета. 2016. Т.2 №1. С.118-126.

7. <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History/Messe>

8. <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History>; Restorative Justice in the Twenty First century and in the History: A Social Movement Full of Opportunities and Pitfalls by Mark S. Umbreit, University of Minnesota, 2002, p.268.

9. Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида ҳимоячининг иштироқи. Ўқув қўлланма / проф. Ғ.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ, 2005.-141б.

10. Исломов Б.О., Жиноят процессининг айрим принциплари. Рисола.-Т.: —Fan va texnologiya нашриёти, 2007, 6-б.

11. Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд -тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПФ -6041-сонли фармони // <https://lex.uz/docs/4939467>

12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Тошкент: Юридик адабиётлар, 2021.// <https://lex.uz/docs/111460>

13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. - Тошкент:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 347 бет.

14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.I. - Т., 2016 - Б.263. // <http://n.ziyouz.com>.

15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. - Т., 2016-2018. - Б. 51.

16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.IV. - Т., 2018 - Б.347. // <http://n.ziyouz.com>.

17. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

18. <https://huquq.uz/2021/03/12/pr-142/>

20. [https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36238/7sphrase id=7837488](https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/36238/7sphrase%20id=7837488)

21. https://uza.uz/uz/posts/sud-tergovda-shaxsning-xuquq-va-erkinliklarini-himoya-qilish-yanada-kuchaytiriladi_3066537q=%2Fposts%2Fsud-tergovda-shaxsning-xuquq-va-erkinliklarini-himoya-qilish-yanada-

22. <https://ishtixon.uz/ru/node/1290>

23. Проблемы обеспечения прав и законных интересов подозреваемого, обвиняемого и потерпевшего при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве: монография / В.А. Семенцов, Я.В. Лошкобанова. – Москва: Юрлитинформ, 2016. – 174 с. – (Уголовный процесс). – Библиогр.: с. 164–173.

24. В.В. Колесник. Природа досудебного соглашения о сотрудничестве с позиции договорной концепции «сделка о признании обвинения и сотрудничестве» // <https://cyberleninka.ru/article/n/priroda-dosudebnogo-soglasheniya-o-sotrudnichestve-s-pozitsii-dogovornoj-kontseptsii-sdelka-o-priznanii-obvinieniya-i-sotrudnichestve>

25. Н.А.Дудина. Соотношение производства при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве с согласительными процедурами в уголовно-процессуальном законодательстве зарубежных стран // <https://cyberleninka.ru/article/n/sootnoshenie-proizvodstva-pri-zaklyuchenii-dosudebnogo-soglasheniya-o-sotrudnichestve-s-soglasitelnymi-protsedurami-v-ugolovno>

26. К.Ф. Багаутдинов. Досудебное соглашение о сотрудничестве: понятие, содержание, основные признаки // <https://cyberleninka.ru/article/n/dosudebnoe-soglashenie-o-sotrudnichestve-ponyatie-soderzhanie-osnovnye-priznaki>

27. Е.Л. Федосеева. История развития и предпосылки создания института досудебного соглашения о сотрудничестве в отечественном законодательстве в период с X по середину XX веков. Общественная безопасность, законность и правопорядок в 3-м тысячелетии: Международная научно-практическая конференция. Ч.2. Воронеж. 2010. С. 98.

28. О.В. Климанова. Добровольность заключения досудебного соглашения о сотрудничестве как условие его легитимности // <https://cyberleninka.ru/article/n/dobrovolnost-zaklyucheniya-dosudebnogo-soglasheniya-o-sotrudnichestve-kak-uslovie-ego-legitimnosti>

29. О.Я. Баев. Досудебное соглашение о сотрудничестве: правовые и криминалистические проблемы, возможные направления их разрешения: Монография. М.: Норма, 2013.

30. О.Н. Тисен. Теоретические и практические проблемы института досудебного соглашения о сотрудничестве в российском уголовном судопроизводстве // Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Оренбург, 2017 – Б.45.

31. А.Курбанова. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг тушунчаси // Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454 Volume 2 | Issue 3 | March, 2022 | SJIFactor: 5,965 | UIF: 7,6 | Google Scholar | www.carjis.org

33. Жиноят ишлари буйича Тайлоқ туман судининг 2019 йил 14 майдаги хукми

34. З. Муқимова, Г. Шерматова. АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУШУНЧАСИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. // Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021

35. <https://uza.uz/uz/posts/aybga-iqrorlik-togrisidagi-kelishuv-ozini-nima-269577>

36. Смирнов А.В. Типология уголовного судопроизводства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2001 // <http://www.kalinovsky-k.narod.ru/b/smir>

37. Брестер А.А. Об ошибочном отнесении особого порядка принятия судебного решения к уголовно-процессуальной деятельности / А.А. Брестер // Актуальные проблемы российского права. – 2015. – № 12. – С. 140–145;

38. Татьяна Л. Особый порядок принятия судебного решения // Л. Татьяна // Законность. – 2003. – № 12. – С. 30–33.

39. Н.М.Қўшаев. Жиноят ишларини юретишда айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилишнинг айрим масалалари // ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ | ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH - №11 | 2020 - Б. 71-75

40. Маткаримов Қ.Қ. Жиноят ишлари юритувини инсонпарварлаштириш. Ю.ф.д. (DSc)... диссертация. –Т., 2019. 285 б.

41. Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш. Ю.ф.д. (DSc)... диссертация. –Т., 2019. 292 б.